



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислом Исмоилов олган сурат

ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК КЎРГАЗМАСИ ЁШЛАРГА КЕНГ ИМКОНияТЛАР ЯРАТАДИ

Кеча шаҳримиздаги Ёшлар ижод саройида «Таълим ва мутахассислик» XII халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Кўргазма «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унда академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари, ўқитувчилар, талабалар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олишига шарт-шароитлар яратиш, жисмонан ва ақлан етуқ, юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли шахс этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-истакларини рўйбга чиқаришга кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Давлатимиз томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»-ги, «Таълим тўғрисида»-ги қонунлар ёш авлодини миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, ўз қизиқиши ва интилишига мос тарзда касб-хунар эгаллашга яқиндан кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ёшларни мамлакатимиз ҳамда хориждаги етакчи олий таълим муассасаларидаги мавжуд мутахассисликлар билан яқиндан таништириш, юртимизда таълим соҳасида эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб қилиш, уларни таълимнинг кейинги босқичлари билан таништириш, мавжуд бўлиш ўринлари тўғрисида маълумотлар бериш ва бандлигини таъминлаш ҳамда ўқув юртларини жиҳозлаш учун ишлаб чиқарилган техник воситалар, ўқув-методологик адабиётлар, таълим муассасаларини замонавий ахборот технологиялари билан таъминлашнинг энг сўнгги ютуқлари билан таништиришдан иборатдир.

Унда мамлакатимиз олий ўқув юртлари, хорижий университетларнинг олтишдан ортиқ филиаллари, ўқув марказлари, ижодий студиялар фаолияти билан атрофлича танишиш имконияти яратилган. Кўргазма ёшларнинг қизиқишларини инobatга олган ҳолда иккита йўналишда ташкил қилинди. «Таълим» бўлимида давлат ва тижорат олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, олий таълимдан кейинги таълим, хусусий мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари, тил ўрганиш марказлари, ижодий клублар фаолияти ҳақида маълумот олиш мумкин. «Мутахассислик» бўлимида эса бизнес-таълим, чет элда ўқиш, хорижда тренинглари, масофавий таълим, малака ошириш институтлари, чет элда ишлаш, касбга йўналтириш ва аҳоли бандлиги марказлари фаолияти бўйича стендлар ўрин олган.

(Давоми 2-бетда)

МОЛИЯ СЕКТОРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкент молия институтида мамлакатимиз иқтисодиётида молия секторининг аҳамиятини ошириш ва бу жараёнда хорижий тажрибадан фойдаланишнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тошкент молия институти, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Банк-молия академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим соҳалари вакиллари, молия-кредит ташкилотлари экспертлари иштирок этди.

Тошкент молия институти ректори У.Азизов ва бошқалар мамлакатимиз банклари фаолиятини такомиллаштириш ва барқарорлигини ошириш, қўшимча инвестициялар жалб этиш, кўрсатилган хизматлар ҳажми ва кўламини кенгайтириш молия-банк секторини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омиллари таъкидлади. Давлатимиз

раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»-ги Қарори соҳага доир шу каби масалаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбирда мамлакатимиз банк-молия секторини барқарор ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётгани қайд этилди. Чунончи, 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга туширилиб, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкаси ҳам шунга мос равишда камай-тирилди. Банк активлари, умумий

капитал ва депозитлар, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитларнинг йиллик ҳажми ошиб бораётгани кузатилмоқда.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни ислоҳ этишда молия-банк секторининг ўрни тобора ошиб бормоқда, — дейди Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг молиявий бозорлар бўйича мутахассиси Казуюки Нагао. — Бугунги кунда дунёнинг етакчи «Standard & Poor's» ва «Moody's» рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон тижорат банкларига берилган барқарор рейтинг кўрсаткичлари соҳани ривожлантириш борасида танланган стратегиянинг самарадорлигини даълолат беради.

М.ҚАРШИБОВ,
ЎЗА мухбири

**Пойтахтимизда 2 апрель кун
Ўзбекистон ва Жанубий Корея
ишбилармонлари иштирокида
кооперацион биржа бўлиб ўтди.**

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг савдо, сармоя, банк-молия, саноат, автомобилсозлик, нефть-кимё, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат саноати, машина ва тоғ-кон ускуналари ишлаб чиқариш, суғурта, экспорт-импорт каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик барча жабҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда муттасил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Мамлакатларимиз катта иқтисодий салоҳият ва имкониятларга эга. Бу борада икки давлат ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Савдо-саноат, сармоя, нефть-газ, кончилик, машинасозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳалар бўйича ҳамкорликка оид битимлар имзоланган.

Ўзаро инвестиция ҳамкорлиги кўлами ҳам мунтазам кенгаймоқда. Жанубий Кореялик ишбилармонлар Ўзбекистон бозорига катта қизиқиш билдирмоқда, мамлакатимизга инвестиция киритиб, қўшма корхоналар ташкил этаётди. Айни пайтда Ўзбекистонда Жанубий Корея ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тўрт юздан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Корея Республикасининг 80 компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритмоқда.

Ўзбекистон Жанубий Кореяга озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва ускуналар, минерал ўғитлар, кимё маҳсулотлари экспорт қилади, транспорт, коммуникация ва сайёҳлик хизматлари кўрсатади. Жанубий Кореядан мамлакатимизга механик ва электрон ускуналар, пластмасса ва пластмассадан тайёрланган маҳсулотлар, қора металл импорт қилинади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, қулай сармоявий муҳит, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилган имкониятлар, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналаридаги қулайликлар ва имтиёзлар хусусида сўз юритилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари ҳамкорлигида иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ижроси, шунингдек, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Жанубий Кореянинг муҳим ва ишончли ҳамкорлибандиси, — деди ЎЗА мухбири Корея Республикаси Кенг равиш провинцияси ҳукуматининг халқаро алоқалар ва савдо бўйича бошқарувчиси Ким Тей Хи. — Мазкур тадбирда иштирок этган Жанубий Корея компаниялари Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистон табиий ресурслар ва юқори малакали мутахассисларга бой, улкан иқтисодий ва сармоявий салоҳиятга эга мамлакат. Бу омил Жанубий Корея — Ўзбекистон савдо-иқтисодий алоқаларининг янада раванг топишига катта ҳисса қўшмоқда.

Кооперацион биржада Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Жанубий Корея ишбилармонлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг турли йўналишларида бизнес алоқаларини кенгайтириш, савдо ва саноат соҳаларида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олдилар.

Ирода УМАРОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда VIII Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасига тайёргарлик доирасида инновацион ишланмаларнинг соҳавий тақдимотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир давомида илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида умумий қиймати 392 миллион сўмликдан зиёд шартнома имзоланди.

• Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида «Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

• Фарғонада жамоатчиликни хабардор қилишда ахборот хизматларига қўйиладиган талаблар ва уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Фарғона вилояти ҳудудий бўлими, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ҳокимияти идоралари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Хоразмда вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «Юртимни обод этаман!» лойиҳаси доирасида «Экология ёшлар нигоҳида» ёшлар эоакцияси ўтказилмоқда.

• Андижонда умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаси бўлиб ўтди. Ўн етти фан бўйича икки кун давом этган олимпиадада 687 нафар иқтидорли ўғил-қиз тест ва ёзма иш шартлари асосида ўз билимини синовдан ўтказди. Энг юқори натижага эришган 85 ўқувчи ўз йўналиши бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежларида имтиёзли тарзда таҳсилни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлди.

ЖАҲОНДА

• «Никлас» тўфонининг Европа қитъасининг Австрия, Швейцария, Германия ва Буюк Британия давлатларида хуружи натижасида камида тўққиз киши ҳалок бўлди. Тўфон вақтида айрим ҳудудларда шамолнинг тезлиги соатига 190 километргача етганлиги боис, поездлар қатнови бақтинча тўхатилган. Германиянинг бир неча шаҳарларида кўплаб авиарейслар бекор қилинган.

• Куёшнинг юза қисмида иккита жуда улкан туйнуклар пайдо бўлди. Олимларнинг таъкидлашича, бу ҳолат об-ҳавонинг ҳалокатли ўзгаришлари, шунингдек, кишиларнинг саломатлиги ёмонлашини келтириб чиқарган ҳолда сайёрамиз табиатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, жанубий кутб атрофидаги каттароқ туйнук Куёш юзасининг саккиз фоизга яқин қисмини камраб олган.

• 2014 йилнинг апрель ойида ҳалокатга учраган «Севоль» пароми курбонлари оиласига Жанубий Корея ҳукумати товон пули тўланишини маълум қилди.

(Давоми 4-бетга)

